

## **ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Абдиева Дилфуза Курбановна,**

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада талабаларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш энг самарали йўллари, креативлик сифатларига эга бўлиш учун таълим жараёнида янги гояларни яратиш хақидаги фикрлар ёритиб берилган.*

**Калим сўзлар:** *креативлик сифатлари, билим, кўникма, малака, шахс креативлиги, касбий ижодкорлик.*

### **ABSTRACT**

*There is discussed in the article ideas for teaching effective ways of creativity among students development, to forming the students as creative thinking persons.*

**Keywords:** *qualities of creativity, knowledge, skills, qualifications, creative activity, creativity, professional creativity.*

### **КИРИШ**

Ўзбекистонда таълим тизими ҳам барча соҳалар каби шиддатли ўзгаришларни қисқа муддатларда самарали мослашишни, янги билимларни мавжуд фанлар негизда фаол сингдириб боришни, таълим олувчиларни эса улар билан изчил таништириб боришни тақозо этади.

Таълим жараёнида мутахассислик фанларидан берилаётган ўқув ахборотларни тезкор қабул қилиш, уларнинг моҳиятини қисқа муддатларда ўзлаштиришга эришиш, самарали ўрганиш ва улардан амалиётда фойдалана олиш борасидаги чуқур билим, чاقқонлик, ўқув топшириқларини бажаришда режали ҳаракат қилиш, мақсадни аниқ белгилай олиш ва уларни қисқа муддатларда бажаришга эришиш талабаларнинг жисмонан фаоллик кўрсатишини талаб этади.

Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланиш интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ касбий-ижодий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни шу билан бирга касбий ижодкорликдан хабардор

бўлиш, ўзида иждодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларни етарли даражада ўзлаштирилишини талаб этади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Маълумки, барча даврларда ҳам ўқитиш мазмуни, таълим тизими ижтимоий тараққиёт билан ўзаро мувофиқликда ривожланиб келган. Рўй берган ижтимоий ўзгаришларнинг барчаси муайян даражада таълим мазмунида акс этади. Бу борада кўплаб махаллий ва хорижий олимлари илмий тадқиқот ишлари олиб боришган ва адабиётларда манбаълар келтирилган. Жумладан, Муслимов Н.А ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компонентлигини шакллантириш технологияси номли монографияси, Муслимов Н.А, М.Усманбаева Я, Д.Сайфуров, А.Тўраев, Педагогик компетентлик ва креативлик асослар. Ўқув-методик қўлланма, М.Усмонбаева, А. Тўраев, креатив педагогика асослари. Ўқув услубий мажмуа, М.Уразова, Н.Эгамбердиева, Э.Юзликаева, Ш.Шодмоноваларнинг илмий изланишларида таълим олувчиларда креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг бўлажак мутахассисларни касбий-инновацион тайёргарлигини шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатлари, креативлик сифатларини ривожлантиришга таъсир этувчи ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги, креатив тафаккурни шакллантириш йўллари ва шакллари, шунингдек педагогик креативлик мазмуни ёритиб берилган.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади.

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” яратувчи, иждодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи иждодий қобилияти.

Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради.

Ҳар қандай кўникмаларни шакллантириш мумкин бўлгани каби, креатив фикрлаш қобилияти ёки кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин. Бу талабаларга ҳам тааллуқли бўлиб, креативлик устида ишлаш талабаларга ноодатий тарзда фикрлашга ёрдам беради.

Талабаларда креативликни ривожлантириш таълим мазмунини ўзлаштиришда талабаларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим

манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда ўқитиш жараёнини ташкил этишни талаб этади.

Бунда қуйидаги педагогик шарт-шароитларга амал қилиш лозимлиги назарда тутилади:

- талабаларда креатив фаолиятни эгаллаш майлларини қарор топтириш, билиш эҳтиёжларини шакллантириш ва таълим жараёнида мустақилликни намоён қилиш муҳитини таъминлаш; таълим олувчиларда ижодий фикрлаш учун қулай имконият яратиш;

- талабалар томонидан баён этилган турли-туман фикрлар ва ғояларни зеҳнлилик билан қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш, ҳар бир таълим олувчида унинг ижодий фикрлашга қодирлиги ҳақидаги ишончни қарор топтириш ва уларнинг ижодий фаолликларини мунтазам рағбатлантириш;

- ўқув жараёнини таълим олувчи шахсининг хусусиятлари, эҳтиёжлари ва интеллектуал салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда индивидуаллаштириш;

- таълим олувчиларда индивидуал, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, уларни муаммоларни ҳал қилишда тайёр, стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қабул қилишга ундаш;

- креатив фаолиятни ривожлантиришнинг асоси бўлган билимларни амалда қайта ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш имконини берадиган интерфаол машғулот шакллари ва методларини танлаш ва татбиқ этиш ва ҳоказо.

## **ХУЛОСА**

Креативлик кўникмаларни таълим олувчиларда ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб, юқорида келтирилган назарий асосларга таянган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- таълим жараёнида ўқув дастури ва ўқув манбаларини яратишга нисбатан креатив ёндашиб талабаларнинг касбий ривожланишига эътибор қаратиш;

- талабаларга берилаётган топшириқлар уларнинг ёш хусусиятига мослиги ҳамда амалий аҳамиятга эга эканлиги наиқ мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда талабаларнинг эҳтиёж ва қизиқишларига мослиги;

- креативлик сифатларини ривожлантириш методлардан, воситалардан ҳамда ахборот технологиялари имкониятларидан ижодий фойдаланиш;

- талабаларнинг креативлик қобилиятларини раҳбатлантириш ва ўқитувчи томонидан самимий муҳит, мустақил ишлаши учун муҳит яратилса талабалар мустақил, ижодий ҳамда танқидий фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

## **REFERENCES**

1. Муслимов Н.А ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компонентлигини шакллантириш технологияси.\ Монографияси.-Т.: “Фан ва технология нашриёти”, 2013 й.
2. М.Усмонбаева, А. Тўраев, креатив педагогика асослари. Ўқув услубий мажмуа. –ТДПУ, 2016 й.
3. Karimova V.M., Akramova F.A., Ochilova G.O. “Pedagogika-Psixologiya” -Т.: 2012. -380 bet.
4. Amirov N.I. (2021). PEDAGOG KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINING TALABALAR O ‘ZLASHTIRISH FAOLIYATIGA BOG ‘LIQLIGI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(4), 1583-1589